SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 18-mart • Shanba • 32-33 (27.525) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЎзХДП ҳаёти

**Миллат, Ватан, халқ истиқболи деган муқаддас тушунчалар ҳамма вақт қалбимизнинг тўридан жой олиб, ҳар биримизнинг хаёлимизда, онгимизда чарх уриб туриши даркор. Чинакам халқ бўлсак, чинакам миллат бўлсак, улкан, қудратли дарёга айланайлик, фарзандларимизга ўзгалар ҳавас қиладиган озод ва обод Ватан қолдирайлик.**

Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу орзулари ижобат бўлиб, юртимизда ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мақсади Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам бу борада ўз дастурий мақсадига, устувор йўналишларига эга.

Партиямиз ёшларни ўзининг электорати, суянадиган, таянадиган қатлами деб ҳисоблайди. Бу борада бошланган амалий ишларнинг илк самараси — шу йилнинг 15 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг «Истиқбол» ёшлар қаноти таъсис конференцияси бўлиб ўтди.



# «ИСТИҚБОЛ» — ПАРТИЯМИЗ ЁШЛАР ҚАНОТИ

**Латиф ҒУЛОМОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Бугун биз барчамиз партиямиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон ХДП ёшлар қанотининг ташкилий жиҳатдан сиёсий ҳаётимизда ўз ўрнини олишида иштирок этмоқдамиз. Бу ўтган йил июль ойида партиямиз янгиланишнинг энг муҳим йўналишларини белгилаб берган, партия V қурултойи қарорларини амалга ошириш йўлидаги яна бир амалий қадамдир.

Бу янгиланиш барча жабҳалар — Ўзбекистон ХДП мафкураси, сиёсати, ташкилий фаолияти ва ташкилий тизимига таллуқлидир. Унинг муҳим таркибий қисми — бу партия сафларини ёшартириш, партияда сиёсий фаол ёшлар оқимини таъминлашдир. Яъни, нафақат бизнинг дастурий устуворликларга қўшилувчи, балки партия билан бирга уларни амалга ошириш учун ишлашга тайёр ёшларни жалб этишдир.

Партиямиз ёшлар қанотини ташкил этар экан, ўз олдига қандай вазифалар қўяяпти деган табиий савол туғилади?

Биринчи навбатда бу вазифа — ёшларимизда фуқаролик тушунчасини, уларда юксак маънавиятни шакллантиришдан иборатдир. Партияни қўллаб-қувватлаётган ёшларда онгли фуқаролик фаоллиги, мамлакатда амалга оширилаётган бунёдкорона ўзгартиришларга дахлдорлик ҳиссини шакллантиришни ҳам биз жуда муҳим деб ҳисоблаймиз.

Ўз навбатида, бу ёшлар қаноти туман ва шаҳар бўлимларидан, бугун ташкил этилаётган марказий органларигача бўлган барча даражаларида амалда ҳал этадиган асосий вазифаларни белгилаб беради. Яъни бу:

Биринчидан. Ўзбекистон ХДП ёш тарафдорлари сафини кенгайтириш ва уларни партия атрофида бирлаштиришдир.

Иккинчидан. Ёшлар орасида бўлғуси етакчиларни аниқлаш ва уларни ёшлар ичида ва келгусида партия кенгашлари ва ташкилотларида ишлашга, барча даражаларда ХДПдан депутатликка номзодликка профессионал-сиёсий жиҳатдан тайёрлаш.

Учинчидан. Биз ёшлар қанотидан ёшлар соҳасидаги ХДП дастурий устуворликларини амалга оширишда фаол иштирок этишларини кутамиз. Бу масалаларда бошидан «Истиқбол» маҳаллий бўлимларининг партия кенгашлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ХДП депутатлик гуруҳлари, унинг марказий органларини эса — партия парламент фракцияси билан ижобий ҳамкорлигини йўлга қўйиш жуда муҳимдир.

Тўртинчидан. Ёшларга дуч келадиган **муаммоларни ҳал этишда уларга ижтимоий ва ҳуқуқий кўмак бериш** ёшлар қанотининг муҳим вазифасидир. Бунда маҳаллий партия кенгашлари қошида ташкил этилган Ўзбекистон ХДП жамоатчилик қабулхоналари имкониятларидан нафақат самарали фойдаланишни ўрганиб олиш лозим.



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

2-бет

# ЯНГИ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Пойтахтда Россиянинг МЦФЭР ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган «Халқаро молиявий-иқтисодий ривожланиш маркази — Ўзбекистон» (МЦФЭР — Ўзбекистон) масъулияти чекланган жамиятининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, қатор вазирлик ва идоралар ҳамда Россия ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.

Россия ички бозорида 15 йилдан буён корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиб келаётган «МЦФЭР» компаниясининг стратегик шериги ҳисобланган «МЦФЭР — Ўзбекистон» мамлакатимизданоширлик, консалтинг (корхоналар иқтисодий фаолиятига оид кўплаб масалалар юзасидан харидор ва сотувчиларга маслаҳатлар бериш), замонавий ахборот технологиялари ва таълим соҳаларида фаолият кўрсатади.

«МЦФЭР» бош директори Максим Межанин улкан салоҳиятга эга Ўзбекистон Марказий Осиёдаги етакчи мамлакатлардан эканини алоҳида таъкидлади.

— Юртингиз эришаётган улкан ютуқларни барча кўриб турибди, — деди у. — Биз мавжуд билим ва технологияларимизни Ўзбекистонда тадбиркорликни янада ривожлантиришга йўналтириш ниятидамиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Россия ўртасида кўплаб йўналишларда, хусусан, иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар, жумладан, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

«МЦФЭР — Ўзбекистон»нинг ташкил этилиши ана шундай ҳамкорликнинг амалий натижаларидандир. Компания юртимизда ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнларида фаол иштирок этиш, кенг доирадаги хизмат ва маҳсулотларни тақдим этиш ҳамда аҳолининг ижодий ва ақлий салоҳиятидан фойдаланиш, уни рағбатлантириш йўли билан доимий бандлик даражасини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ХОРИЖ БАҲОСИ

Хатирчи — Навоий вилояти туманлари орасида энг йириги. Туманда ҳар йили ўртача 50 минг тонна ғалла, 35-38 минг тонна пахта етиштирилади. Бултур ҳам хатирчиликлар эл хирмонига 35 минг тоннадан зиёд пахта хомашёси армуғон этишиб, бу борадаги шартномавий режани ошириб бажаришди. Яқинда туманда ажойиб хушхабар тарқалди. Пахта тозалаш акциядорлик жамиятига олис Франциядан телеграмма ва таклифнома келди. Унда Хатирчи пахтаси тола сифати бўйича «Карла Фаберже» компаниясининг «AWARD» олтин совринига лойиқ кўрилгани қайд этилганди.

Шу йилнинг июнь ойида корхона директори Мамаёқуб Назаров Парижга, Жаҳон экспертларининг йиғинига ушбу мукофотни олгани боради.

**Музаффар ШАРОПОВ**

# KOICA ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА

Корея Республикасининг Ансан шаҳрида ўзбекистонлик мутахассислар учун мўлжалланган кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш дастури доирасида икки ҳафталик ўқув курслари бошланди. У Корея халқаро ҳамкорлик бўйича агентлиги (KOICA) томонидан ушбу мамлакатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.

Ўқиш жараёнида иштирокчилар Корея жамияти тараққиётидаги замонавий тамойиллар ҳамда корейс халқининг миллий маданияти билан танишишлари баробарида кичик ва ўрта тадбиркорликнинг мамлакат тараққиётидаги ўрни, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш тажрибаси билан ҳам яқиндан танишадилар.

Жорий йилда 26 йўналиш бўйича 80 нафар юртдошимиз KOICA дастурлари доирасида ташкил этиладиган малака ошириш ва ўқув курсларида иштирок этиши кўзда тутилган.

**Замира АЗИЗХОНОВА,**
**«Жаҳон» АА**

# ПАРИЖДА ЎЗБЕК ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ НАМОЙИШИ

Парижда «Ўзбекистон ганжинаси: ҳунармандчилик ва сайёҳлик» кўргазма-ярмаркаси очилди. У Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, икки мамлакат савдо-саноат палаталари, «Сен ёлғиз эмассан» республика болалар хайрия жамғармаси, «Ўзбектуризм», «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниялари ҳамда Франциянинг «BREFAC» авиакомпанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирнинг тантанали очилиш маросимида Франция парламенти аъзолари Андре Дзюле ва Ив Костюр, Миллий Ассамблея депутати Жан Пьер Дюфо сингари таниқли сиёсатдонлар, санъат аҳли, дипломатия корпуси вакиллари, ишбилармонлар, фан арбоблари, Париж шаҳри туманларининг мэрлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Кўргазма меҳмонларини кутлар экан, Париж шаҳри савдо-саноат палатасининг вице-президенти Эдмонд Вивианд парижликларнинг Ўзбекистон бой тарихи, маданияти билан яқиндан танишиши учун яратилган бу имконият мамлакатлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистонга борадиган француз сайёҳлари сонининг ошишига ҳам хизмат қилишини қайд этди.

Ўзбекистон халқ усталари маҳоратини ўзида мужассам этган ранг-баранг пештахталардаги ўзбек миллий ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, каштачилик, кулолчилик, миниатюра санъати намуналари парижликлар ва тадбир меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди.

Париж савдо-саноат палатаси вакиллари ҳамда кўргазманинг кўп сонли иштирокчилари эътироф этишганидек, тадбир том маънодаги ўзбек санъати байрами бўлди. Дастлабки кунлариёқ экспозицияни 4000 дан ортиқ париж аҳли ва Франция пойтахти меҳмонлари томоша қилдилар. Бу юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Тадбир доирасида ўзбек — француз ишбилармонлари вакиллари иштирокида бизнес-форум ҳам бўлиб ўтди.

**Ғайрат ШУКУРОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири**
Париж.

**Муаллиф олган сурат**



**Суратда:** кўргазмадан лавҳа.

# ИЖТИМОИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ

Мамлакатимизда ижтимоий муҳофаза ҳамманинг — давлатнинг ҳам, жамоат ташкилотларининг ҳам, турли хайрия жамғармаларининг ҳам асосий вазифаси қилиб белгиланган. Шу нуқтаи назардан Наврўз байрами арафасида Кармана туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ташаббуси билан «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ЁИҲ ҳамкорлигида ҳомийлар томонидан 313 нафар муҳтож оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

Туманда ҳозир 12071 нафар пенсионер ва ижтимоий нафақа олувчилар бўлиб, улардан ёлғиз, кекса ногиронларнинг 33 нафарига доимий ёрдам берилмоқда. Жумладан «Сиҳат-саломатлик йили» ҳамда Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг ўтган даврида ушбу тоифадаги пенсионерларга бюджет маблағидан 5194900 сўм, ҳомийлик маблағидан 4000000 сўм кўмак ажратилди. Шунингдек, вилоятда улар соғлиғини муҳофаза қилиш, тиббий кўрикдан ўтказиб туриш тадбирлари ҳам намунали йўлга қўйилган.

**Маҳлиё УРАЗАЛИЕВА**

**Қаршида «Ал-Азиз Мурод» масъулияти чекланган жамияти ҳамда Жанубий Кореянинг «Дехан Трейдинг» компанияси ҳамкорлигида «Al-Aziz Garant» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси ташкил этилди.**

## РАҚОБАТ — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

У хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган вилоятдаги эллик тўртинчи қўшма корхона ҳисобланади. Бу ерда маҳаллий хомашёдан полиэтилен идишлар ясаш учун зарур бўлган капсулалар (праформ) ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Бу эса полиэтилендан турли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи вилоят корхоналари ўртасида рақобат муҳитини янада кучайтиришга хизмат қилади.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

**НУКУС (ЎзА мухбири А.Ортиқбоев).** Мамлакатимиз ва Хитой Халқ Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги ўзаро алоқалар тобора ривожланиб бораётир. Хусусан, бу мамлакат мутахассислари билан ҳамкорликда Қорақалпоғистоннинг жанубий туманларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, зах сувларни Орол денгизига қуйишга қаратилган «Жанубий Қорақалпоғистон ирригация ва дренаж инфратузилмаларини реконструкция қилиш ҳамда сунъий сув ҳавзаларини тиклаш» лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Минтақанинг экологик шароитини яхшилашга хизмат қиладиган бу лойиҳага биноан «Бадайтўқай» давлат қўриқхонаси тоза сув билан таъминланмоқда. Шунингдек, 300 километр узунликдаги Жанубий Бош коллекторни реконструкция қилиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Бунинг натижасида Тўрткўл, Беруний ва Элликқалъа туманларидаги зах сувлар Аёзқалъа кўлига қуйилиб, Жанадарё ўзани орқали Орол денгизига етиб боради. Лойиҳанинг иккинчи босқичида хўжаликлараро коллектор ва дренаж тармоқлари реконструкция қилинади.

Айни пайтда Нукус туманида «Дунтай — Оқманғит» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси бунёд этилмоқда. Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилиши мўлжалланаётган ушбу корхонада йилига 30 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарилади. Корхона ишга тушгач, 150 киши доимий иш билан таъминланади.

## БУГУНГИ СОНДА:

# «Сиртқи қабул соатлари»

Турли вазирликлар ва қўмиталар раҳбарлари билан жамоатчиликнинг алоқасини янада кенгайтириш ҳамда фуқаролар ўзини қизиқтирган ёки қийнаётган савол ва муаммоларга бевосита соҳа мутасаддиларидан жавоб олишига кўмаклашиш мақсадида таҳририят **«Сиртқи қабул соатлари»**ни ташкил қилганидан хабарингиз бор. Ушбу рукн остида бир нечта вазирликларнинг жавоблари газетхонлар эътиборига ҳавола этилди.

Газетамизнинг олдинги сонларида **«Сиртқи қабул соатлари»**нинг навбатдагиси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари Ғайрат БОЛТАБОЕВ билан ўтказилишини эълон қилган эдик. Ушбу муносабат билан Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг муомала маданияти ва касб одоби, ҳаракат хавфсизлигига халақит берувчи муаммолар, йўлларимизнинг аҳволи ва бошқа масалалар тўғрисида таҳририятимизга кўплаб саволлар тушди. Телефон қўнғироқлари бўлди. Фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Газетанинг ушбу сонида ана шу саволларга берилган жавоблар билан танишишингиз мумкин.

4-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

# «ИСТИҚБОЛ» — ПАРТИЯМИЗ ЁШЛАР ҚАНОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу вазифани ҳал этишда партиянинг ёш фаолларининг ўз, ёшларга мўлжалланган, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш — ҳуқуқий клиникалар, ижтимоий-психологик маслаҳатхоналар ва бошқа тизимларни яратиш бўйича ташаббуси ҳам катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Гулруҳ АЪЗАМОВА «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари олдида турган долзарб вазифалар, келгуси режалар, ечимини кутаётган муаммолар хусусида маъруза қилди.

**Суҳроб ИСМОИЛОВ, Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси:**

— Мен ёшлар қанотининг Низоми лойиҳаси ҳақида гапирмоқчиман. Чунки бу ҳужжат фаолиятимизнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Лойиҳада қанот аъзолигига 18 дан 30 ёшгача бўлган фуқароларни қабул қилишни белгилаган эдик. Кўпчилик томонидан лицейлар, коллежларда ўқийдиган талабалар 18 га тўлмаган бўлиши мумкин, шунинг учун қанотга 16, 14 ёшдан аъзо бўлиш мумкинлигини белгилаб қўйиш керак, деган фикрлар билдирилган эди. Бу жуда кўп мунозараларга сабаб бўлди. Аммо шу жараёнда яна аввалги қароримизда қолишни маъқул топдик. Чунки, мамлакатимизда ҳар бир шахс 18 ёшдан бошлаб сиёсий фаолият билан шуғулланиши мумкин, сиёсий партияларга аъзолик ҳам 18 ёшдан амалга оширилади. Бироқ бу ёшга тўлмаганлар ҳам бизнинг тадбирларимизда бемалол иштирок этишлари, ташаббус билан чиқишлари мумкин.

«Истиқбол» ёшлар қанотининг мақсад ва вазифалари тўғрисида ҳам кўплаб таклифлар билдирилди. Улар инобатга олиниб, лойиҳага таҳрир ва аниқликлар киритилди.

●●●

Шунингдек, «Истиқбол» ёшлар қаноти таъсис конференциясида сўзга чиққан делегатлар ўзларининг мақсад ва вазифалари ҳақида ҳам фикр алмашдилар.

**Шоҳруҳбек АБДУРАҲМОНОВ, Андижон давлат университети талабаси:**

— Бизда ҳам «Истиқбол» ёшлар қанотининг вилоят бўлими таъсис конференцияси бўлиб ўтган эди. Ўтган қисқа вақт ичида қатор ишларни амалга оширдик. Университетимиз қошидаги «Ёшлар парламенти» билан яқин ҳамкорлик ўрнатдик. Бошқа ўқув даргоҳларидан ҳам хайрихоҳлар излаш, «Истиқбол»нинг кенг қанот ёзишига ҳаракат қилаяпмиз. Улар билан ҳамкорликда турли дебатлар, турнирлар, интеллектуал ўйинлар ўтказаяпмиз. Бунда асосий эътибор тенгдошларимизнинг фидойилиги, ташаббускорлигини оширишга қаратилмоқда.

**Исломбек САЛОМОВ, ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси:**

— Ҳозирги вақтда ёшларнинг бандлиги масаласига ечим топиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Биргина Қашқадарё вилояти мисолида оладиган бўлсак, 2004-2005 ўқув йилида ўқишни тугатган 18384 нафар талабадан 2801 нафари иш билан таъминланмаган. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан аниқланган маълумотга кўра, вилоятимизда 30 ёшгача бўлган ишсизлар сони 1507 нафарни ташкил этади. Уларнинг бандлигини таъминлаш ишлари тўлиқ бажарилмаган. Муаммони бир қадар ечиш учун жойларда ишсизликнинг аҳволи, бўш иш ўринлари мониторингини олиб бориш, олий, ўрта-махсус ўқув юртлари билан иш берувчилар ўртасида шартнома асосида кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш керак, деб ўйлайман.

**Жамшид ҒУЛОММАҲМУДОВ, ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси ўринбосари:**

— Биз ёшлар, Ватан менга нима берди, деб эмас, мен Ватанга нима бердим, деб яшашимиз керак. Ҳозирги кунда бу фикр эскирди, дегувчилар ҳам топилади. Аммо биз бу фикр асло эскирмаслигини ёдда тутишимиз даркор. Биз фаолиятимизга ана шу қоидаларни асос қилиб олишимиз керак.

**Денис ДУБКОВ, Гулистон шаҳар 6-мактаб ўқитувчиси:**

— Баъзи ёшлар олий ўқув юртини тугатиб ўзига мос иш тополмай қийналадилар. Чунки ёш мутахассисларни биринчи марта ишга жойлаштириш, улар ўз малакаларини оширишларига имконият яратишга жойларда ғамхўрлик етишмаяпти, ёшлар манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилотларнинг ҳам бу борада камчиликлари оз эмас. Истардимки, «Истиқбол» мана шу бўшлиқни тўлдирса...

**Гулсанем ПИРЖАНОВА, ЎзХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши иш юритувчиси:**

— Биз ҳар бир ҳудуднинг манфаатларини ҳисобга олиб умуммиллат манфаатларига хизмат қилувчи ташаббуслар билан чиқишимиз лозим. Мисол учун Орол денгизининг қуриши натижасида Оролбўйи аҳолиси кўпроқ азият чекмоқда. Табиат, ҳайвонот дунёси жуда катта зарар кўрмоқда. Бу борада ҳукумат томонидан катта ишлар амалга оширилмоқда. Аммо уларнинг олдини олиш учун биз ёшлар муқобил лойиҳалар тайёрлашимиз, фикр билдиришимиз зарур. Ўзимизда экологик маданият, масъуллик ҳиссини шакллантирсак, нафақат келажак ёшлари олдида юзимиз ёруғ бўлади, балки партиямизнинг Экологик дастурини бажаришга ҳам катта ҳисса қўшган бўламиз.

**Конференция делегатлари кўплаб саволлар билан ҳам мурожаат этишди. Уларга партия Марказий Кенгаши раиси жавоб берди.**

**САВОЛ: — «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзоларига аъзолик билети ёки гувоҳнома бериладими?**

**ЖАВОБ:** — Қанотга аъзо бўлганлар партиямиз аъзоси ҳисобланади. Шунинг учун уларга партия билети берилади.

**САВОЛ: — Талабалар ўзлари ўқийдиган илм даргоҳларида турли уюшмалар тузиб, мақсадларини биргаликда амалга оширишлари мумкинми?**

**ЖАВОБ:** — Ёшлар масалаларининг ҳам жуда кўплаб йўналишлари бор. Агар талабалар шу йўналишлардан аниқ биттасини танласа, уюшмалар ташкил этиши мумкин. Бунинг ҳуқуқий асослари мавжуд.

**САВОЛ: — Партия ташкилотларида ЎзХДП аъзолари қайта рўйхатдан ўтказилаяпти. Бу нима учун керак?**

**ЖАВОБ:** — Ушбу қарор партиямиз V қурултойида қабул қилинган эди. Биз энди ўзимизнинг аниқ позициямизга эгамиз. Халқ партияси, деган мавҳумликдан воз кечдик. Бизга шунчаки номига аъзолар, тарафдорлар керак эмас. Бизга ҳақиқий жонкуяр, амалий ишлар билан Дастуримиз ижросини таъминлашда қатнаша оладиган аъзолар, фаоллар керак.

## СЕНАТДАГИ УЧРАШУВ

*Инсон ҳаётида қувончли ҳодисалар, унутилмас лаҳзалар кўп бўлиши мумкин. Аммо шундай воқеа, учрашув, суҳбатлар бўладики, бу онлар наинки унутилмас, балки ҳаётимизда, фаолиятимизда бурилиш ясайди.*

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти республика таъсис конференцияси делегатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ташриф буюришди. Кўркам, салобатли Сенат биноси ва унинг заллари билан танишиб чиққан делегатларни **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров** қабул қилди. Сенат Раиси ёшларга республикамиз парламенти юқори палатасининг ўтган йилдаги фаолияти, жорий йилнинг 24-25 февралида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси, унда Президент Ислом Каримов қилган маъруза, Сенат аъзолари олдига қўйилган вазифалар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Илгизар СОБИРОВ ёшлар билан ўзаро мулоқотда қуйидаги фикрларни билдирди:

— Сиз, азиз, йигит-қизлар миллатнинг давомчиси, мамлакатнинг эртаси, шу муқаддас заминнинг ворисларисиз. Давлатимизнинг келажаги сизларнинг сиёсий онгингиз, ҳуқуқий саводхонлигингиз, маънавий баркамоллигингизга, юртга, Ватанга эътиқодингизга боғлиқ.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган эзгу ғоясининг замирида жуда катта ҳаётий фалсафа мужассамлашган.

Бунда келажакнинг муносиб ворисларини тарбиялаб, вояга етказиш муҳим ўрин тутади. Сиз ёшлар ўзаро бирлашиб, ўз муаммоларингизни ўзингиз ечишга интилаётганингиз қувонарли ҳол.

Давлатимиз ёшларни иш билан таъминлаш борасида кенг қамровли ишларни амалга ошираяпти. Узоққа бормайлик, жорий йилнинг 5 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Биз яқинда Фарғона вилоятида бўлиб, ижтимоий муаммоларни ўргандик. Қайтиб келган кунимиз тегишли вазирлик, идора ва ташкилот раҳбарларига хабар қилдик, масаланинг ижросини назорат остига олдик.

Сиз ёшлар эртага жойларда тенгдошларингиз, аҳоли билан учрашасиз, уларнинг муаммоларини ўрганасиз. Бу сизнинг жамият тараққиётига қўшган ҳиссангиз бўлади. Сиз ўйламанг, маҳалладаги битта стадионни таъмирлашдан жамиятга нима наф, деб. Шу стадионда қанча ёшлар спорт билан шуғулланади, улар соғлом, бақувват бўлиб вояга етади.

Халқимизда «Тома тома кўл бўлур» деган пурмаъно нақл бор. Дарҳақиқат, ҳар бирингиз етакчисиз, ортингиздан қанча тенгдошларингизни эзгуликлар сари бошлайсиз. «Истиқбол» ёшлар қаноти Сизларни ана шундай муштарак мақсадлар йўлида жипслаштирмоқда. Сизларга омад ва муваффақият тилайман.

Шундан сўнг делегатлар Сенат Раисига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этишди. Барча саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

*Делегатлар муқаддас даргоҳдаги бу учрашув сиёсий савия, тафаккурларида, ўзларининг иш фаолиятларида, ҳаётларида муҳим роль ўйнашини алоҳида таъкидладилар.*

***Фотима ЮСУПОВА, Узун туман шифохонаси ҳамшираси:***

*— Сенатдаги бугунги учрашув, қизиқарли мулоқотдан бир олам таассурот олдим. Бу ҳақда дўстларимга, тенгдошларимга албатта сўзлаб бераман. Бугунги учрашувлар ўзимизга бўлган ишончни янада оширди.*

***Санжар АБДУРАҲМОНОВ, Жиззах давлат педагогика институти талабаси:***

*— Очиғини айтсам, бугунги учрашувлар бир тушга ўхшаяпти. Лекин ҳаммаси бор гап, воқелик. Демак, биз халқ ва юрт манфаати учун қанча кўп ҳаракат қилсак, интилсак, излансак, илм ўргансак ҳали кўп орзуларимизни реал воқеликка айлантирамиз.*

**Конференция делегатларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари билан учрашуви ҳам қизғин савол-жавоблар асосида ўтди.**

**САВОЛ: — Юртимизда янги шаклланган профессионал асосдаги Қонунчилик палатаси депутатлари фаолиятида кескин баҳслар кузатилмаяпти...**

**ЖАВОБ:** — Фикрингизга унчалик қўшила олмаймиз. Балки, бу жараёнлар етарли ёритилмаётгандир. Биз қабул қилинаётган қонунлар лойиҳаларининг ҳар бир моддаси, нормаси устида соатлаб тортишамиз. Биргина мисол. Мамлакат бюджетининг ижроси бўйича Молия вазири минбарда соатлаб туриб, депутатларнинг ҳар бир саволига жавоб беришга мажбур бўлаяпти. Фракциялар ўртасида рақобат, ўзаро баҳслар ҳам тобора шаклланиб бораяпти.

**САВОЛ: — Фуқароларнинг хорижга чиқиб ишлашларини ҳуқуқий таъминлаш масаласи кун тартибида борми?**

**ЖАВОБ:** — Айнан шундай, яъни «Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси депутатларимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган. Бугун юртимизда фақат биттагина агентлик шу фаолият билан шуғулланади. Бу эса фуқаролар эҳтиёжини қондира олмаяпти. Биз қонунда ташқи меҳнат миграцияси билан шуғулланадиган хусусий тармоқларни ташкил этишга имконият яратиб бермоқдамиз.

**САВОЛ: — Фракциянинг маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан алоқалари қай даражада йўлга қўйилган?**

**ЖАВОБ:** — Биз ҳар чоракнинг охирида сайловчиларимиз билан учрашамиз. Бу учрашувларга ўша ҳудуддан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатларини ҳам таклиф қиламиз. Ўтган йили партиямиз Марказий Кенгаши қарори билан жойларда барча даражадаги депутатларимиз иштирокида минтақавий семинарлар ўтказилди. Биз бунда жуда кўп фикрлар алмашдик. Яна бир амалий ишимиз шундан иборат бўлдики, фракциямизнинг уч нафар аъзоси маҳаллий Кенгашларнинг иш тартиби (Регламенти) ҳақидаги ҳужжатни ишлаб чиқиб, тегишли депутатлик корпусларимизга жўнатдик. Ваҳоланки, аксарият маҳаллий Кенгашлар ўз регламентига эга эмас эди.

**САВОЛ: — Қонунлар ишлаб чиқилаётганда жойлардаги тегишли аҳвол ҳақида хабарлар қандай олинади?**

**ЖАВОБ:** — Биз сайловчилар билан учрашувга борганда жойлардаги мавжуд ҳолатлар билан аввало ўзимиз танишамиз. Қолаверса, маҳаллий партия кенгашларимиздан ҳам улар ўтказган мониторинг натижаларини олиб турамиз.

**Саида САЙХУН, Беҳзод ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

## ЖУРНАЛИСТЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими ташаббуси билан Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари журналистларининг учрашуви бўлиб ўтди. Қўшни вилоятлардан келган журналистлар Фарғона вилояти ва Марғилон шаҳри телевидениелари, «Фарғона ҳақиқати» газетаси таҳририяти, Марғилон шаҳар босмахонаси, Фарғона шаҳридаги «Топо-диск» ва Марғилон шаҳридаги «Ёдгорлик» корхоналарида бўлиб вилоятда оммавий ахборот воситалари фаолияти, уларнинг ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқаларини ўргандилар.

Уч вилоят журналистлари ўзбек матбуоти, долзарб вазифалари хусусан, бугунги ва эртанги фаолияти хусусида фикрлашиб олдилар.

— Бундай минтақавий учрашувлар матбуотимиз бажариши лозим бўлган вазифалар хусусида тўлароқ тасаввур беради, — дейди «Андижоннома» газетаси муҳаррири ўринбосари Илҳомжон Эгамназаров. — Ўзаро тажриба алмашинув минтақага хос муаммоларни ёритишда ҳамкорликни кучайтиради. Ёш журналистлар учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади.

**Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

**Диққат, танлов!**

## «ЭНГ МУРУВВАТЛИ ҚЎШНИ»

**ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири А.Иванова).** «Энг мурувватли қўшни» — «Экосан» экология ва саломатлик халқаро ташкилоти, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан Мурувват кунлари доирасида эълон қилинган янги республика танлови шундай деб аталади. Мамлакатимизда Мурувват кунлари «Қўшни-қўшнига» шиори остида ўтади. Бу тадбир «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурини бажаришда яна бир қадам бўлади.

Танлов тақдимотида таъкидландики, унинг асосий мақсади жамоатчиликнинг кўп болали ва кам таъминланган оилалар, етим-есирлар, ёлғиз қарияларни қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини кучайтириш, ўзбек халқига хос ҳомийлик, яхши қўшничилик анъаналарини ривожлантириш ҳисобланади. Танловнинг вазифаларидан бири — ёш авлодни меҳр ва мурувват, шу жумладан табиатни асраб-авайлаш руҳида тарбиялашдир.

Ҳомийлик ҳар доим халқимизга хос бўлиб келган, қадимдан нафақат байрамларда, балки ҳар куни яхшилик қилиш, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш муҳим иш саналган. Президент Ислом Каримов томонидан Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинган жорий йилда бундай беғараз фаолият янги, янада чуқур мазмунга эга бўлди. Бутун жамият қўллаб-қувватлаган бу ғоя кўп сонли ноҳукумат ташкилотлар учун бирламчи вазифага айланди.

Танловда қатнашиш бир қатор мезонлар бўйича баҳоланади. Чунончи, ўз маҳалласини ободонлаштираётган, сув ва оқава тармоғини ўтказишда, боғ ва гулзорлар яратишда, болалар майдончалари қуришда кўмаклашаётган ва муҳтож қўшниларига уйини таъмирлаш, қишга тайёргарлик кўриш, тўй ва бошқа тантаналарни ўтказиш, газ ва сув ҳисоблаш асбобларини ўрнатиш, коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашда ёрдам кўрсатаётган одам энг мурувватли қўшни деб тан олинади. Ғолибларни совринлар ва қимматбаҳо совғалар кутмоқда.

## «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҒОЯСИ»

Мана уч йилдирки «LG Elektronics» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда «Йилнинг энг яхши ғояси» танловини ўтказиб келмоқда. Ушбу ижтимоий дастурнинг асосий мақсади — истеъдодли ёшларни аниқлаш, уларнинг қобилиятларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, ўқувчиларни мустақил равишда билимларини оширишга қизиқтиришдан иборат. Танлов доирасида барча ўқув масканлари ўқувчи ва талабалари орасида йилнинг 9 та энг яхши ғоя муаллифини танлаб олиш кўзда тутилган. Танлов «Менинг ноёб ғоям» номинацияси асосида учта ёшдаги гуруҳлар ўртасида икки босқичда ўтказилади.

Ғолибларни тақдирлаш маросими шу йилнинг 28 июнида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши биносида бўлиб ўтади.

«Йилнинг энг яхши ғояси» танлови доирасида, шунингдек, тўққиз нафар ғолиб орасидан энг яхши ғоя муаллифи «Гран-При — 2006» мукофотига сазовор бўлиб, Кореяга сафар қилиш имкониятини қўлга киритади.

**Шаҳноза РЎЗИЕВА**

**2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили**

## САХОВАТ ВА БАҒРИКЕНГЛИК

Бухоро вилоятида тиббиёт муассасалари билан ҳомийлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик мавжуд муаммолар ечимини ечишда қўл келмоқда. Жумладан, 6900 ўринли 37 та касалхона, қатор даволаш муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шифокор кадрлар малакасини оширишда муайян ишлар амалга оширилди.

Вилоят марказидан олисда жойлашган Газли шаҳарчасидаги касалхона тубдан қайта таъмирланиб, замонавий тиббий асбоблар билан таъминланди. Бундан ташқари, вилоятда 7 та янги қурилган қишлоқ врачлик масканида яратилган барча қулайликлар кишини қувонтиради. Мавжуд 310 та қишлоқ врачлик пунктидан 195 таси «Саломатлик-2» дастури лойиҳаси талаблари асосида таъмирдан чиқарилди.

— Ундан ташқари, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Ҳикмат Тошев. — Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди. Туғуруққа ёрдам кўрсатиш бўлимларида камқонликдан даволанаётган аёллар темир моддаси мавжуд бўлган препаратлар билан тўлиқ таъминланди. Вилоятда Скрининг марказ ҳамда репродуктив саломатлик марказлари фаолият кўрсатаётгани боис болалар ўлими сони анча камайди. Шу билан бирга шифокор кадрлар малакасини ошириш мақсадида хориждаги тиббиёт муассасалари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилди.

Бугунги кунда шифокорлар билан ҳомийлар ҳамкорлиги нақадар катта аҳамият касб этишини англаш қийин эмас. Бу вилоят марказида эртаиндин фойдаланишга топшириладиган Диагностика маркази қурилиши жараёнида ҳам яққол кўзга ташланди. Марказни барпо этиш ва уни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун ҳомийларнинг қарийб 2 миллиард сўмлик маблағи сарфланди. Вилоятда жорий йилда Бухоро шаҳрида қурилиши бошланган «Она ва бола» пренатал маркази, қон қуйиш маскани, Когон шаҳридаги марказий касалхона бинолари қурилиши ниҳоясига етказилади. Шунингдек, Пешку, Ромитан туманидаги туғуруқ мажмуалари, Шофиркон, Қоракўл туманидаги тери-таносил, Пешку туманидаги сил касалликлари шифохонаси капитал таъмирланади. Бу ишларда ҳам ҳомийлар мададкор бўлишлари турган гап.

Вилоятнинг барча туманларида бугун шошилинч тиббий ёрдам марказлари ишлаб турибди. Бухоро шаҳри Вобкент, Жондор, Когон, Олот, Шофиркон туманларида тиббиёт муассасаларини санитар машиналари, тегишли тиббий асбоб-ускуналар, замонавий алоқа воситалари билан таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги тегишли чораларни кўряпти.

Тиббиёт ходимлари «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да белгиланган дастурлар ижросини таъминлаш борасида — ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлашга, оилаларда тинчлик, барқарорликни асрашга интилмоқдалар.

**Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## БЕКОБОДДА БАЙРАМ ТАДОРИГИ

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ (ЎзА мухбири Л.Сувонов).** Бекободлик тадбиркор К. Бегмановнинг ташаббуси билан бошланган янги шифохона Наврўз арафасида қуриб битказилди. Уни бунёд этиш учун ўн беш миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Бекобод шаҳар ҳокимлигидан маълум қилишларича, 30 та маҳалла ҳудудидаги барча ариқ ва зовурлар тозаланиб, йўлаклар тўлиқ таъмирдан чиқарилган. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан бешта кўп қаватли уй ҳудудидаги болалар спорт майдончалари тартибга келтирилган.

Шунингдек, бу йил 160 га яқин кўп қаватли уйда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шаҳар ҳудудидаги корхона, ташкилот, маҳалла ҳамда ширкатларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида ўн етти минг тупдан ортиқ манзарали ва мевали дарахт ҳамда етти мингдан ортиқ гул кўчатлари ўтқазилди.

Наврўз куни шаҳар истироҳат боғларида катта байрам тадбирлари бўлиб ўтади. Жумладан, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан маҳаллаларда «Сумалак сайли» ўтказилади, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олинади.

## ШИФОХОНА БЎЛИМИ ОЧИЛДИ

**НУКУС (ЎзА мухбири А.Оортиқбоев).** Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу мақсадда Нукус тумани марказидан анча олисда жойлашган «Шўртанбой» овулида туман марказий шифохонасининг даволаш бўлими ташкил этилди.

Эндиликда қишлоқ аҳолиси шу ернинг ўзида даволанадиган бўлди. Бу ерда 22 нафар тиббиёт ходими фаолият кўрсатади. Шунингдек, бўлимда ички касалликларни даволаш билан бирга рентген, физиотерапия хизмати ҳам амалга оширилади.



## ГИЛМОЯ — МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ОШИРДИ



Ярим асрдан буён фаолият кўрсатиб келаётган «Самарқандғишт» масъулияти чекланган жамияти бир кунда 60-70 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга эди. Кейинги йилларда корхонада ускуналар эскириши ва меҳнатга муносабатнинг ёмонлашуви жамиятни қолоқликка тушишига олиб келди. Қачонки, банкрот деб эълон қилинган қорхонага ташқи бошқарувчи тайинлангач, жамоада қурилиш хомашёси — ғишт сифатига алоҳида эътибор қаратилди.

— Дастлаб ишни одамларнинг меҳнатга муносабатини ўзгартиришдан бошладик, — дейди корхона ташқи бошқарувчиси Ботир Худойбердиев. — 15-20 йиллик ускуналар янгиларига алмаштирилди, таъмирталаб қисмлар таъмирланмоқда. Механизмларнинг соз ва бетўхтов ишлаши таъминланди. Маҳсулот сифатини яхшилаш йўлида гилмоя аралашмасидан фойдаланишга ўтдик. Ҳар 30 минг дона ғишт учун 10 тоннагача гилмоя сарфлаяпмиз...

Ҳозир корхона вилоятдаги мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига кирган 15 та мактаб қурилишига ғишт етказиб бермоқда.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози мухбири**

***Суратларда:*** *ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи ўринбосари Равшан Саломов ва муҳандис-технолог Ўлмас Қурбоновлар; тайёр маҳсулотлар мижозларга пешма-пеш жўнатилмоқда*

**Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар**

**Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи**

**Амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг тақдирини, келажак тараққиётимизни етук олимлар, шу билан бирга илғор фан, техника ва технология, замонавий илмларни пухта эгаллаган, салмоқли интеллектуал салоҳиятни ўзида мужассамлаштирган кадрлар ҳал қилади.**

**Ислом КАРИМОВ**

# ИЛМ-ФАНИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ВОРИСЛАРИ

Республикамизда истиқлол шарофати билан барча жабҳаларда, шу жумладан, таълим, фан-техника соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, жамиятнинг маънавий салоҳиятини юксалтиришда фан ва технологияларни ривожлантириш муҳим стратегик аҳамият касб этади. Айни пайтда мазкур устувор йўналишнинг имкониятлари жамиятни янгилашдан иборат бутун жараёнларга таъсир этади. Бу эса кўпроқ кадрларнинг касбий тайёргарлиги, илмий-педагогик фаолияти ва ижодий қобилиятига боғлиқ.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, узлуксиз таълим тизимининг барча босқичлари: умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим (аспирантура, докторантура) жаҳон таълим стандартларига мосдир. Шуни айтиш керакки, мазкур босқичлардан муваффақиятли ўтган шахс нафақат олий малакали кадрлар захирасини бойитади, балки таълим, фан ва технологиялар равнақига ҳам ўз ҳиссасини қўшади.

Албатта, аждодларимизга муносиб ворис бўлишга интилиш, илму фанимиз ривожи ва келажаги тўғрисида қайғуриш бугун ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Бу борада буюк алломаларимиз асос солган илмий тафаккур анъаналарини давом эттириш ва бойитиш учун мамлакатимизда барча имкониятлар етарли. Шахсан Юртбошимиз томонидан мамлакатимизда интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш ва ундан оқилона фойдаланиш механизмлари ишлаб чиқилган ҳамда улар муваффақиятли амалга оширилаётганлиги бунга ёрқин мисол бўла олади.

Президентимизнинг 1993 йил 5 февралдаги **«Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони билан аспирантлар ва талабалар учун Ўзбекистон Президентининг Давлат стипендиялари таъсис этилган бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги **«Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»**ги қарорига асосан 1994 йилдан бошлаб аспирантлар ўртасида, 2002 йил 4 мартдаги **«Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорга мувофиқ талаба-магистрлар ўртасида Ўзбекистон Президентининг Давлат стипендиялари учун танлов ўтказиш ва уларни тайинлаш вазифаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази зиммасига юклатилган. Ушбу нуфузли танлов Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида фақат Ўзбекистонда таъсис этилганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Бу вазифани бажариш учун марказ ҳузурида махсус танлов комиссияси ташкил этилган бўлиб, давлат илмий-техника сиёсатининг қуйидаги 5 та йўналиши бўйича аспирантлар ўртасида Президент стипендиатларини аниқлаб келмоқда: республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига мос ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш; аграсаноат мажмуи; энергетика, ресурслар, саноат; соғлиқни сақлаш ва экология; ахборот технологиялари ва бошқарув. Талаба-магистрлар ўртасида эса 11 та таълим йўналиши бўйича Ўзбекистон Президентининг Давлат стипендиатлари аниқланади. Булар: қишлоқ хўжалиги ва ирригация; техника ва информатика; тиббиёт, доришунослик ва жисмоний тарбия; ижтимоий-гуманитар; физика-математика ва кимё-биология; иқтисодиёт; педагогика-психология; маданият ва санъат; чет тиллар; ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар ҳамда журналистика соҳаларидир.

Мамлакатимиз истеъдодли ёшлари учун энг нуфузли ушбу танловларда ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан илмий-тадқиқот институтлари ҳамда олий ўқув юртларининг аспирант ва талаба-магистрлари фаол иштирок этиб келмоқда. Танловларда қатнашиш учун барча ҳужжатлар тегишли асосда олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида тайёрланиб, вазирлик ҳамда идоралар томонидан марказимизга тақдим этилади. Аспирантларнинг ҳужжатлари 1 октябрдан 31 октябргача, талаба-магистрларнинг ҳужжатлари 1 июндан 30 июнгача қабул қилинади. Низом талабларига кўра, аспирантлар барча номзодлик минимумларини аъло баҳоларга топширган, давлат тили ва камида икки чет тилини билиши, халқаро анжуманларда иштирок этган, етакчи илмий нашрларда камида иккита мақоласи чоп этилган, компьютер техникаси ҳамда мамлакатимиз тарихини билишлари зарур.

Талаба-магистрлар эса аълочи, турли конференция танловларда иштирок этган, нашр этилган илмий ишлари мавжуд бўлиши, давлат тили ва иккита чет тилини пухта эгаллаган бўлишлари талаб этилади. Мутахассислиги чет тили бўлган талабалар қўшимча равишда яна битта тилни билишлари зарур. Аспирант ва магистрларнинг юқоридаги талабларга жавоб бериши тегишлича Олий аттестация комиссияси ва Давлат тест марказида топшириладиган имтиҳонлар, уларнинг тақдим этилган ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш асосида аниқланади.

Марказнинг танлов комиссияси имтиҳонлар, экспертиза ва суҳбат натижалари, ёшларнинг илмий фаолиятлари нашр этилган мақолалари, конференциялардаги иштироки, патент ва муаллифлик гувоҳномалари, ишлаб чиқаришга жорий этилган таклифларини инобатга олган ҳолда ҳар бир номзод учун ёпиқ овоз бериш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиатларини аниқлайдилар.

Танлов ниҳоясига етгач, юқоридаги Фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиатлари бўлган аспирантларга ҳар бир аспирант стипендияси микдоридан икки карра, магистрлар учун ҳар бир талабанинг ўртача стипендияси микдоридан уч карра кўп бўлган давлат стипендиялари белгиланади.

Шуниси эътиборлики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиатлари бўлган аспирантлар номзодлик диссертацияларини муддатида ҳимоя қилганларидан сўнг уч йил мобайнида ўқишни давом эттириш ва тажриба орттириш ҳамда илмий стажировка ўтиш учун хорижга жўнатишда имтиёзли ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

Талаба-магистрлар эса олий ўқув юртини битиргач, икки йил давомида, агар мутахассислиги тўғри келса аспирантурага имтиҳонсиз қабул қилинадилар, акс ҳолда кириш имтиҳонлари фақат аспирантура мутахассислиги бўйича топширилади. Улар, шунингдек, ўқишни битиргач, икки йил мобайнида чет элда ўқишни давом эттириш учун имтиёзли ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

Шу ўринда аспирант ва талаба-магистрлар учун таъсис этилган Ўзбекистон Президентининг Давлат стипендиялари танловларининг моҳияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш ўринлидир:

Биринчидан, талаба ва ёш олимларда юксак маънавий фазилатларни шакллантириш, улар истеъдодини намоён этиш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳамда фаол яратувчанликка жалб қилиш истиқболларини белгилаш имконияти туғилди. Бу эса илму фаннинг барча жабҳаларини тадқиқ ва таҳлил қилиш, камчилик ва ютуқларни умумлаштириш, хулоса чиқариш имконини беради.

Иккинчидан, Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини янада мустаҳкамлаб, илмий кашфиётлари билан жаҳон фан технологияси ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бунда ёш олимларнинг чет эл илмий муассасаларида муваффақиятли амалиёт ўтиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, республикамиз олий ўқув юрти ва илмий муассасаларида фаннинг азалий анъаналари, «устоз-шогирд» анъаналарини мустаҳкамламоқда. Жойларда олиб борилаётган илмий изланишлар самарадорлигини оширишда талаба ва ёш олимлар учун муносиб ижодий муҳит яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг аспирантлар ўртасида ўн уч йилдан (1993-2005), талаба-магистрлар ўртасида 4 йилдан (2002-2005) бери ўтказиб келинаётган Давлат стипендиялари учун танловлар натижасида ҳозирги кунга қадар иқтидорли ёшлар орасида **63** аспирант ва **41** нафар талаба-магистр Президент стипендиясига сазовор бўлдилар. Шундан аспирантларнинг 49 нафари ҳамда магистрларнинг 30 нафари Тошкент шаҳри олий ўқув юртларига тўғри келишига қарамай, демографик ҳолат таҳлил этилганида аспирантлардан 19 нафари, магистрларнинг 16 нафари Қорақалпоғистон ва бошқа вилоятлардан келиб таҳсил олаётган ёшлардан иборат эканлиги маълум бўлди.

Шуниси муҳимки, Ўзбекистон Президентининг Давлат стипендиатлари ўз илмий ишларини муддатидан илгари ҳимоя қилиб келмоқдалар. Ҳозирги кунда Президент стипендиатларининг аксарияти номзодлик ишларини муваффақиятли ҳимоя қилганлар, улар ўртасида фан доктори илмий даражасини олган ёш олимлар ва бундай даражага эришиш йўлида изланаётганлар анчагина. Жумладан, соғлиқни сақлаш ва экология йўналиши бўйича Президент стипендиатлари М.Маҳкамов, Н.Абдуллаева, А.Акмаловлар (Тошкент тиббиёт академияси) докторлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Ш.Ориҷов (Тошкент давлат аграр университети), Н.Файзуллаев (Самарқанд давлат университети), Б.Онорбоев (Кибернетика институти), А.Хўжабеков (Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази), М.Қарлибоев (Тарих, археология ва этнография институти)лар докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш арафасидалар.

Бугунги кунда Ўзбекистон Президентининг Давлат стипендиатлари бўлган магистрлар ўз мутахассисликлари бўйича аспирантурага имтиёзли қабул қилиниб, номзодлик диссертациялари устида илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Бу эса уларнинг Президентимиз томонидан ёшларга билдирилаётган ишончни оқлаётганликларидан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда, нафақат Президент стипендиатлари, балки барча ёшларимиз буюк боболаримиз асос солган бой маънавий ва илмий меросимизни янада юқори чўққиларга кўтариб, Юртбошимиз, қолаверса, халқимиз билдирган юксак ишончни шараф билан оқлашларига ишонамиз.

**Марвар ТОШПЎЛАТОВ,**
**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази бўлим бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси**

**Ўзбекистон Президенти Давлат стипендиатларининг республика вазирлик ҳамда идоралари бўйича тақсимланиши:**

| Вазирлик ва идоралар | Аспирантлар | Магистрантлар |
|---|---|---|
| Фанлар академияси | 8 | — |
| Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги | 25 | 26 |
| Халқ таълими вазирлиги | 1 | — |
| Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 11 | 3 |
| Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги | 8 | 5 |
| Қишлоқ хўжалиги ИИЧМ | 1 | — |
| Давлат ва жамият қурилиши академияси | 2 | — |
| Ташқи ишлар вазирлиги | 3 | 1 |
| Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги | 2 | 1 |
| Бадиий академия | 1 | 1 |
| «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК | 1 | — |
| Маданият ва спорт ишлари вазирлиги | — | 2 |
| Ички ишлар вазирлиги | — | 1 |
| Адлия вазирлиги | — | 1 |

**Президент стипендиатларининг Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон ҳамда вилоятлардаги олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасалари бўйича тақсимланиши:**

| Вилоятлар | Аспирантлар | Магистрантлар |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳри | 49 | 30 |
| Қорақалпоғистон | 4 | — |
| Андижон | — | 1 |
| Бухоро | 3 | 1 |
| Жиззах | — | — |
| Навоий | — | — |
| Наманган | 1 | — |
| Самарқанд | 5 | 6 |
| Сирдарё | — | — |
| Сурхондарё | — | — |
| Қашқадарё | — | — |
| Фарғона | 1 | 1 |
| Хоразм | — | 2 |

## «ЭНГ ИҚТИДОРЛИ ЁШ ИСТЕЪМОЛЧИ – 2006»

Пойтахтимиздаги «Зарафшон» киноконцерт залида 15 март — Халқаро истеъмолчилар кунига бағишлаб академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи — 2006» I республика кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди. Ушбу муҳим тадбир Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилди.

Кўрик-танловнинг ўтказилишидан мақсад — Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш, шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиш, ички истеъмол бозорида сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий ишларни фаоллаштириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини кенг тарғиб этишдан иборатдир.

**Алишер РЎЗИЕВ**

*Тошкент шаҳар ҳокимининг ижроия маҳкамаси Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш Бош бошқармаси томонидан 2003 йил 3 мартда Нишанбаева Мамлакат Саломовна номига бинога эгалик ҳуқуқини берувчи 3-76/2003 рессстр рақами билан берилган Давлат кадастр рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги ҳужжат йўқолганлиги сабабли*
***БЕКОР ҚИЛИНАДИ***


# «БЕКОБОДЦЕМЕНТ»

**очиқ акциядорлик жамияти меҳнат жамоаси**





*Она юртимизнинг барча фарзандларини ўлкамизга ўз сепини ёйиб, мустақил Ватанимиз ҳуснига-ҳусн қўшаётган*

***НАВРЎЗИ ОЛАМ***

*билан муборакбод этади.*

**Ушбу мафтункор айём юртимизга қут-барака, хонадонларимизга файзу тароват олиб келсин.**





**Истиқлол йилларида корхонамиз ҳам ҳар жиҳатдан юксалди, бинокорлик материаллари, айниқса, цемент ишлаб чиқариш саноатининг йирик, етакчи корхоналаридан бирига айланди.**
**Айни дамларда, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган цемент, шифер ва бошқа қатор қурилиш материалларининг асосий қисми «Бекободцемент» очиқ акциядорлик жамияти ҳиссасига тўғри келаётганлигини таъкидлаш бизга чуқур мамнуният бахш этади.**

**Шу қутлуғ кунларда барча ватандошларимизни Наврўз айёми билан муборакбод этарканмиз, юртимизнинг ҳар бир гўшасида тинчлик ва осойишталик ҳукмрон бўлишини тилаймиз!**

# БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ





*серқуёш юртимизнинг барча меҳнаткашларини, машаққатли ва шарафли касб эгалари – нефтни қайта ишловчиларни халқимизнинг қадрли ва қадимий байрами –*



## НАВРЎЗИ ОЛАМ

*билан самимий муборакбод этади!*

**Уларга баҳорий кайфият, юртимиз равнақи йўлида олиб бораётган ишларида муваффақиятлар тилайди.**



# «ОҲАНГАРОНДОНМАҲСУЛОТ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ

**Ўзбекистон халқини баҳор, янгиланиш ва яшариш байрами –**

## НАВРЎЗИ ОЛАМ

**билан қизғин ва самимий муборакбод этади.**









*Наврўз табиатнинг уйғониш фасли, умумхалқ байрами, меҳр-мурувват айёми, қолаверса, орзу-умидлар рамзидир. Шундай экан, бу баҳорий айём хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака, қалбларингизга эзгу туйғулар ва қувонч олиб кирсин.*

**Йил бошидаги ёруғ ўйлар ҳар доим йўлингизни чароғон этсин! Тинчлик ва тараққиёт йўлидан собит қадамлар билан бораётган меҳнатсевар халқимиз ва Она Ўзбекистонимизнинг келажаги ана шу Наврўз байрамидек фусункор ва тароватли бўлаверсин!**

# XORIJDA

## ✓ ЯПОНИЯ

Токио маъмурияти ўқитувчиларга мактабларда ўтказиладиган тантанали тадбирларда мамлакат мадҳиясини тик турган ҳолда ижро этиш мажбуриятини юкловчи қарор қабул қилди, дея хабар беради «Independent» газетаси. Мазкур қарор мактабларда мадҳияга нисбатан ҳурматсизлик ҳолатлари қайд этилгани боис қабул қилинди.

Аслида Японияда 1999 йилиёқ мадҳияга ҳурмат бажо келтириш ва уни тантанали тадбирларда барча фуқаролар турган ҳолда ижро этиши тўғрисида қонун ишлаб чиқилган ва амалга жорий этилган. Мактабларда унга ҳурматсизлик қилинса, ўқитувчи жарима жазосига тортилади ёки ишдан бўшатилади.

Ҳозирги кунда 300 дан ортиқ ўқитувчи мадҳияга ҳурматсизлик қилгани боис ишдан бўшатилгани учун Токио шаҳар маориф комиссияси билан судлашмоқда.

## ✓ ИРОҚ

Мамлакат парламенти депутатлари Бағдод марказидаги бетон деворлар ва тиконли симлар билан ўралган Яшил ҳудуднинг конференц залига йиғилиб, илк бор парламент мажлиси ўтказдилар. Лекин бу мажлис ярим соат давом этди, холос. Яъни 275 депутат дастлаб Қуръон ўқишди, қасамёд қабул қилишди, оқсоқол депутат Аднан Пачачи барча депутатларга мурожаат этиб, уларни Ироқда фуқаролар уруши бошланиб кетишига йўл қўймаслик, унинг олдини олишга чақирди. Шундан сўнг депутатлар тарқалиб кетишди. Ҳатто парламент спикери ҳам сайланмади.

Бироқ ироқликлар бундан хафа бўлишмади, — дея хабар беради «Би-Би-Си», — негаки, уч кундан бери ортга суриб келинаётган ушбу парламент сессияси ҳар қалай бўлиб ўтди.

## ✓ БМТ

Мазкур ташкилот Бош Ассамблеяси кўпчилик овоз билан инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Кенгаши тузиш тўғрисидаги лойиҳани маъқуллади.

Бош Ассамблеянинг 60-сессиясида ушбу резолюцияни ёқлаб, 191 давлат вакилидан 170 нафари овоз берди. АҚШ, Исроил, Маршал ороллари ва Палау бу лойиҳага қарши чиқди. Белорусия, Венесуэла ва Эрон бетараф қолди.

Ушбу янги Кенгаш инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Комиссияси ўрнини эгаллайди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссия эса 16 июнда ўз фаолиятини тугатади.

Бугун-эрта янги Кенгашнинг биринчи йиғилиши ўтказилади.

Комиссия БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши органи ҳисобланган бўлса, янги Кенгаш эса Бош Ассамблеянинг ёрдамчи органи ҳисобланади ва унинг кўпчилик аъзолари ёпиқ овоз бериш йўли билан тўғридан-тўғри сайланади.

Шарқий Европа давлатлари мазкур органда 6 та ўринни эгаллайди, Осиё ва Африка мамлакатлари учун эса 13 тадан, Лотин Америкасига 8 та, Ғарбий Европа давлатлари, АҚШ, Канада ва Исроил учун 7 ўрин ажратилган. Шундай қилиб, Кенгаш таркибига жами 47 та давлат аъзо бўлади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссияга эса 53 та давлат аъзо эди.

## ✓ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ

Европа Иттифоқига аъзо 25 та давлат экспертлари Брюсселда бўлиб ўтган йиғилишда «қора рўйхат»га кирган авиакомпаниялар борасида тўлиқ келишиб олдилар. Еврокомиссия матбуот хизматидан олинган манбага асосланиб, «Новости» ахборот агентлигининг маълум қилишича, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар аэропортларида ва самолётларида парвозлар хавфсизлиги нуқтаи назаридан ўтказилган текширувлардан сўнг тузилган ушбу рўйхат мазкур ташкилотнинг олий органи томонидан расмий тасдиқлангач эълон қилинади.

Текширувлар асосан сайёҳлик компанияларининг чартер рейсидаги самолётларнинг замонавий техник талабларга қай даражада жавоб бериш-бермаслиги бўйича ўтказилди. «Қора рўйхат» эълон қилингач, унда қайд этилган авиакомпаниялар самолётларининг Европа Иттифоқи мамлакатлари аэропортларига қўниши тақиқланади.

Эслатма: Халқаро аэропортлар кенгаши маълумотларига кўра, кейинги пайтларда авиайўловчилар сони йилига 4 фоизга ошиб бормоқда. 2020 йилга бориб улар сони 7 миллиард кишига етади.

## ✓ МЕКСИКА

Бу ерда сайёрамиздаги ичимлик сувларини сақлаш ва ундан тўғри фойдаланиш масалалари бўйича халқаро форум ўтказилмоқда. Унда 121 давлатдан вакил бўлиб келган 13 минг мутахассис қатнашмоқда.

Форум бир ҳафта давом этади. Тадбир доирасида «World Water Expo» Бутунжаҳон сув кўргазмаси уюштирилиб, сув ресурсларини бошқариш бўйича янги технологиялар намойиш этилади, дейилади «Polit.ru» сайтидаги хабарда.

## ✓ АҚШ

АҚШнинг таниқли сенатор-демократларидан бири Жозеф Байден президент Жорж Буш маъмуриятининг Ироқда олиб бораётган сиёсати батамом барбод бўлганлигини алоҳида таъкидлади. Агар Ироқда вазият яхши томонга ўзгармаса, америкаликлар у ердан тезда чиқиб кетишлари керак, деди у.

Мамлакат конгресси Пентагондан ироқликлар ҳаётида юксалиш юз берган-бермаганлигини исботловчи далиллар келтиришини талаб қилган бўлишига қарамай, бу ташкилот Ироқда ҳалок бўлган америкалик аскарлар рўйхатини тақдим этган холос.

Сенатор Америка ҳарбий қўшини шу йилнинг ўзидаёқ Ироқни тарк этиши шарт, деб ҳисоблайди. Бу ҳақда «NBC» телекомпаниясига берган интервьюсида алоҳида тўхталди.

Эслатиб ўтамиз: Пентагоннинг расмий маълумотларига кўра, Ироқда ҳарбий ҳаракатлар бошлангандан бери АҚШ армияси 2125 нафар ҳарбийсидан (2005 йил декабргача бўлган маълумот) ажралган. 2005 йил ноябргача Американинг 160 мингга яқин ҳарбийси Ироқда ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган. 15 декабрда бўлиб ўтган парламент сайловларидан сўнг эса армияни 138 минг нафаргача қисқартириш режалаштирилган.

Бу уруш АҚШ учун ҳар ойда 6,5 миллиард долларга тушган.


## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

***«Ўзбекистон банклари ассоциациясининг аукцион савдоларини ташкил қилиш агентлиги» МЧЖ 2006 йил 18,25 апрель ва 2,9 май кунлари Ўзбекистон банклари ассоциациясининг биносида соат 11.00 да аукцион савдоларини ўтказади.***

**Аукцион савдосига қуйидаги объектлар қўйилмоқда:**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш департаменти Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани Ийк-ота ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган, «INTERMASH» МЧЖга қарашли ёрдамчи бино (литр-Ф, умумий майдони 478,8 кв.м.) ва цех биноси (литр-У, умумий майдони 548,34 кв.м.) сотувга қўйилади.

**Бошланғич баҳоси — 4 356 720 сўм.**

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида гаров пули тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни қабул қилиш, савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Аввал аукцион савдоларига қўйилган ва ўз харидорини топмаган объектлар, ҳар ҳафтанинг сешанба куни қайтадан савдоларга қўйилиши мумкинлигини маълум қиламиз.

*Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй.*

**Телефонлар: 138-69-70, 138-69-93.**














# «ТОШКЕНТПАХТАСАНОАТ»

ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон халқини қадимий ва шукуҳли*

**НАВРЎЗ БАЙРАМИ**

*билан самимий муборакбод этади.*

**Наврўз ҳаёт ва тинчлик нишонаси, эзгу орзулар ва умидлар байрамидир! Шундай экан, Наврўз нафаси кезиб юрган юртимизда меҳр ва муҳаббат, осойишталик тантана қилсин! Ниятимиз — ҳар бир хонадонда илиқлик, меҳр-оқибат ва аҳиллик бўлсин. Зеро, Наврўз йилнинг бошланиши экан, шу кун қандай тантанали ва тўкин бошланса, йил охиригача шундай бўлиб қолсин.**

**Ҳадемай бободеҳқонларимиз ерларга барака уруғи экишни бошлаб юборадилар. Ўйлаймизки, бу йил ҳам пахтадан мўл ҳосил олишга етарли замин яратилди. Бу албатта, бизни қувонтиради. Чунки, қайта ишлаш учун кўплаб пахта хомашёси оламиз.**

**Тилагимиз — юртимиз бундан буён ҳам гуллаб яшнасин. Ватанимиз тинч, халқимиз омон бўлсин. Дастурхон тўкинлиги, ҳаётимиз фаровонлиги ошаверсин!**



**«ТОШКЕНТПАХТАСАНОАТ» ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ**

Дунёдаги энг гўзал ва сўлим шаҳарлардан бири
азим Тошкентимизнинг довруғига-довруғ қўшиб турган




# «ТОШКЕНТМЕТРОПОЛИТЕНИ»

жамоаси



муқаддас юртимиз аҳли ва меҳмонларини
янгиланиш, яшариш, эзгулик байрами —

## НАВРЎЗ АЙЁМИ

билан самимий муборакбод этади.

Қадимий ва улуғ айём шодликлари хонадонингизни ҳеч қачон тарк этмаслигини тилаймиз.

Наврўз мамлакатимиз аҳлига сиҳат-саломатлик,
дастурхонига файзу-барака ато этсин.

Осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!





Эзгу тилакларимиз сизга, азизлар!

Бухоро вилоят

# «КОГОН ЁҒ-ЭКСТРАКЦИЯ»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси



Ўзбекистон иқтисодиётини мустаҳкамлашга самарали ҳисса
қўшаётган меҳнаткашларни, республикамизда истиқомат
қилаётган барча фуқароларни яшариш байрами, гўзал

## НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий муборакбод этади.

Наврўз юртимизга, ҳар бир хонадонга
тинчлик ва осойишталик,
бахт-саодат, шодлик олиб келаверсин!



Халқимизнинг ризқу
насибаси зиёда, ерга сочган
уруғи баракали бўлсин!

«Когон ёғ-экстракция» ОАЖ жамоаси Сизларнинг
бахтли дамларингизга, тўй-томошаларингизга экологик тоза,
сифатли маҳсулотлар етказиб бериб, хизмат кўрсатаётганидан бахтиёрдир.

